

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил октябрь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мўминалиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси-Наманган туман прокурори катта ёрдамчиси М.Тўлқинжонов, жабрланувчи М.Хайитова, судланувчи Б.Шерматовнинг иштирокида Шерматов Бахром Мамасолиевичга оид 1-1602-2501/260-сонли жиноят иши кўрилди.

Шерматов Бахром Мамасолиевич, 1976 йил 12 октябрда Наманган вилояти, Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2003 йил 2 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, судланганлик ҳолати тугалланган, Наманган тумани, “Шўрқишлоқ” МФЙ, Каттайўл кўчаси, 34-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 24 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг судга тақдим этган ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи томонидан Б.Шерматов маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам 01.01.2021 йилга қадар 3.112.203 сўм алимент қарздорликни ҳамда 01.01.2021 йилдан 01.09.2025 йилга қадар икки ойдан ортиқ муддат мобайнида, яъни 45 ой давомида ҳисобланган 38.507.579 сўм, жами 41.619.795 сўм миқдордаги алимент маблағларини ундирувчи М.Хайитова фойдасига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганликда айбланган.

Суд мажлисида судланувчи Б.Шерматов ва жабрланувчи М.Хайитова судга ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Б.Шерматов суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қўллаб-қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги,



етказилган зарарни қисман қоплангани, жабрланувчи қолган зарарни ундиришдан ихтиёрий воз кечгани, жабрланувчидан кечирим сўрагани, ҳозирда у билан бирон-бир тазйқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланув М.Хайитова суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қўллаб-қувватлаб, судланувчи Б.Шерматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган 41.619.795 сўм зарарнинг 20.000.000 сўм қисмини нақд пул кўринишида олгани, қолган зарарни ундиришдан ихтиёрий воз кечиши, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ЖК 122-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Хайитова ва судланувчи Б.Шерматовнинг ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Б.Шерматовнинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарни қисман қоплагани, жабрланувчи қолган зарарни ундиришдан ихтиёрий воз кечгани, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйқ бўлмаганини, ярашув тарафларнинг хоҳиши билан бўлаётгани ҳамда ЖК 122-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ярашув суд томонидан тасдиқланса, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириб, Б.Шерматовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

бир дона “СД” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни;

судланувчи Б.Шерматовга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Шерматов Баҳром Мамасолиевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлик муносабати билан тугатилсин.

Бир дона “СД” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Судланувчи Б.Шерматовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Етказилган зарарлар қоплангани инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо)

А.Кенжабаев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг раиси

А.Кенжабаев

